Ислом Нури

([illegible]).

1 – Эй Аллоҳ! Уни мағфират эт, раҳм қил. Унга офият ато эт, афв эт. Унинг насибасини (чиройли) улуғ қил. Кирар жойини кенг қил. Уни сув, қор ва дўл билан юв. Оппоқ либосни кирлигидан тозалаганинг каби уни хатолардан покла. Унга ўз уйидан яхшироқ бўлган уй, аҳлидан ҳам яхшироқ аҳл ва аёлидан яхшироқ аёл-жуфт ато қил. Уни жаннатга киргиз ва қабр]ва дўзах азобидан[асра. (Муслим ривояти).

([illegible]) .

2 – Парвардигоро! Бизнинг тиригу ўликларимизни, ҳозиру ғоибларимизни, каттаю кичигимизни ҳамда эркагу аёлимизни (гуноҳларини) мағфират эт. Эй Аллоҳ! Агар биздан бирортамизни яшатадиган бўлсанг, уни исломда яшат. Жонини оладиган бўлсанг, иймони билан ол. Эй Аллоҳ! Бунинг (маййитнинг) ажр-савобидан бизни маҳрум айлама ва (ундан) кейин бизни Ўзинг адаштирма. (Ибн Можа ва Аҳмад ривояти).

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

([illegible]).

3 – Эй Аллоҳ! Фалончининг ўғли фалончи сенинг ҳимоянг (зимманг)да ва ҳимоянг арқонидадир. Уни қабр фитнасидан ва дўзах азобидан Ўзинг асра. (Албатта), Сен (ваъдангга) вафо қилувчи ва ҳақ (ни рўёбга) чиқарувчидирсан. Уни(нг гуноҳларини) кечир ва унга раҳм эт. Албатта, Сен кечиримли ҳамда раҳмли зотдирсан. (Ибн Можа ва Абу Довуд ривояти).

([illegible]) .

4 – Эй Аллоҳ! Қулинг, чўрингнинг фарзданди Сенинг раҳматингга муҳтождир. Сен уни азоблашдан беҳожат Зотдирсан. Агар у яхши бўлган бўлса, ҳасанотларини зиёда эт. Агар у ёмон бўлган бўлса, унинг ёмонлигини кечиб юбор. (Ҳоким ривояти. Заҳабий саҳиҳ деган).

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com